DOI: https://doi.org/10.55640/os/vol-01-01 Pages: 47-51



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ АЁЛ-ҚИЗЛАРНИНГ ТАЪЛИМИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Дилноза Каттахонова
Ёшлар ишлари агентлиги раҳбарининг ўринбосари

Калит сўзлар: “Талабага мадад”, дастурчиси, профессионал таълим, uzbekcoders.uz, “PhD sari qadam”

Аннотация: Ушбу мақолада Ижтимоий, сиёсий жараёнларда аёл қизларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш, давлат органларининг барча бўғинларида қарор қабул қилишдан тортиб, уни ҳаётга татбиқ этиш жараёнига қадар бўлган жараёнларнинг муҳим омиллари ҳақида қисқача баён этилган. Хотин-қизларни ахборот технологияларидан самарали фойдаланишлари. Шунингдек, иқтидорли ёшлар жумладан аёл-қизларни хорижий тиллар ҳамда ахборот технологиялари бўйича ўқув курсларига кенг жалб этиш мақсадида қилинаётган ишлар борасида фикр мулоҳазалар бериб ўтилган.

ANALYSIS OF WOMEN'S EDUCATIONAL AND SCIENTIFIC ACTIVITIES IN UZBEKISTAN

Key words: "Student help", programmer, professional education, uzbekcoders.uz, "Step towards PhD"

Abstract: This article briefly describes the important factors of ensuring the equal participation of women and girls in social and political processes, from decision-making at all levels of state bodies to the process of its implementation. Effective use of information technologies by women. Also, comments were made on the work being done in order to attract talented young people, including women, to foreign languages and information technology training courses.

АНАЛИЗ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ И НАУЧНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЖЕНЩИН/ДЕВУШЕК В УЗБЕКИСТАНЕ

Ключевые слова: «Студенческая помощь», программист, профессиональное образование, uzbekcoders.uz, «Шаг к PhD».

Аннотация: В данной статье кратко описаны важные факторы обеспечения равноправного участия женщин и девушек в общественно-политических процессах, от принятия решений на всех уровнях государственных органов до процесса их реализации. Эффективное использование информационных технологий женщинами. Также прозвучали комментарии о проводимой работе по привлечению талантливой молодежи, в том числе женщин, на курсы обучения иностранным языкам и информационным технологиям.

Халқимиз тарихида буюк алломалар, жаҳонгир боболаримиз қаторида, бундай инсонларни дунёга келтириб, тарбиялаган, улуғвор ишларга руҳлантирган фозила аёллар ҳам кўп бўлган. Бугун ҳам аёл-қизларимиз оилада, фарзанд тарбиясида, таълимда, турли соҳаларда, маҳаллаларда фидойилик кўрсатмоқда. Уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Муҳтарам президентимиз ташаббуслари асосида ўтган тўрт йил мобайнида ёшлар сиёсатига доир ҳамда ёш аёл-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ошириш мақсадида жами 5 та Қонун ва 55 та қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 та Фармони, 14 та Қарори, 2 та Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 23 та Қарори ва 4 та Фармойиши имзоланди.

Маълумот учун: Бугунги кунда республикамизда 9 млн 746 минг 770 нафар ёшлар бўлиб, шундан, ёш хотин қизлар сони 4 млн 397 минг 110 нафар, ёш оилалар сони 2 млн 886 минг 566 нафарни ташкил этади.

Республикамизда фаолият олиб бораётган 10 289 та мактабларда жами ўқувчилар 6 млн 400 нафарни ташкил этса, қиз болалар 3 млн 345 минг 160 нафар.

Бундан ташқари, 769 та профессионал таълим муассасаларида 420 117 нафар ўқувчилар бўлиб, шундан, 222 859 нафарини ёш аёл-қизлар ташкил этади.

Шунингдек, 199 та олий таълим муассасаларида 1 млн 029 минг 522 нафар талабалар таҳсил олса, шундан, 473 340 нафари ёш аёл-қизлар ҳисобига тўғри келади.

Олий Мажлисга бўлиб ўтган охирги сайловлар натижасида биринчи маротаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди. Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл-депутатлар сайлангани, ўз навбатида, дунёдаги 190 парламент ичида Ўзбекистон парламентининг 37 ўринга кўтарилишини таъминлади.

Ижтимоий, сиёсий жараёнларда аёл-қизларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш, давлат органларининг барча бўғинларида қарор қабул қилишдан тортиб, уни ҳаётга татбиқ этиш жараёнига қадар улар бевосита иштирок этмоқда. Шунингдек, ёш аёл-қизларни доимий қўллаб-қувватлаш борасида давлат томонидан бир қатор имкониятлар тизимли яратилиб келинмоқда.

Жумладан, талаба аёл-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Талабага мадад” лойиҳаси орқали 24 648 нафарининг 50 фоизгача тўлов-шартнома маблағлари қоплаб берилди.

Шунингдек, иқтидорли ёшлар жумладан аёл-қизларни хорижий тиллар ҳамда ахборот технологиялари бўйича ўқув курсларига кенг жалб этиш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан халқаро имтиҳон тизимлари бўйича имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш тизими яратилган бўлиб, ўтган йил давомида жами 11 290 нафар шундан, 5 194 нафар аёл-қизларнинг имтиҳон топшириш харажатлари қоплаб берилди.

Хотин-қизларни ахборот технологияларидан самарали фойдаланишлари учун “Бир миллион ўзбек дастурчиси” лойиҳаси ташкил этилган бўлиб, uzbekcoders.uz платформаси курсларини тамомлаб, кредит асосида

компьютер сотиб олмоқчи бўлган ёш хотин-қизларга кредитнинг фоиз қисмини Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлаб бериш имконияти яратилган.

Жумладан, ушбу лойиҳага бугунги кунда жами 83 033 нафар ёшлардан аризалар келиб тушган бўлиб, шундан, 35 851 нафарини ёш аёл-қизлар ташкил этади. Шунингдек, 19 261 нафар компютер сотиб олмоқчи бўлган ёшларнинг, 8 725 нафар аёл-қизларига Ёшлар ишлари агентлиги томонидан кредит фоиз қисмлари тўлаб берилди.

Бундан ташқари, .“Келажак касблари” лойиҳаси доирасида замонавий касбларни ўрганиш истагини билдириб Республика бўйича жами 16 090 нафар талабгор ариза берган, шундан 6 889 та ариза ёш аёл-қизлар ҳисобига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож аёл-қизларнинг билим олиш имкониятлари янада кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларига 4 фоизли давлат грантлари ажратилди. Мазкур янги тизим асосида биргина 2020 йилнинг ўзида 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аёл-қизлар ўқишга қабул қилинди.

Маълумот учун: 2021-2022 ўқув йилида республика бўйича жами мактаб битирувчилари сони 385 437 нафарни ташкил этган бўлса, шундан, қиз болалар сони 206 409 нафар, шундан, 64 954 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган.

Шунингдек, 2022-2023 ўқув йилида республика бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовларида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган абитуриентлар сони 1 146 634 нафарни, шундан, аёл-қизлар сони 603 812 нафарни ташкил этади. Шундан, талабаликка тавсия этилганлар, аёл-қизлар 87 934 нафар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳар қандай халқнинг етуклик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, оқила ва ўқимишли

оналар миллатнинг буюк келажагини яратишлари ҳаммамизга яхши аён”. Шу боис донишмандлар:

“Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз”, деб бежиз таъкидламаганлар.

2018-2022 йилларда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган ёш мутахассислар 569 нафарни ташкил этса, шундан, 187 нафари ёш аёл-қизлар.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан аёл-қизларнинг сиёсий малакасини ошириш, уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, илмий тадқиқот ишлари билан юқори натижаларга эришаётган хотин-қизлар фаолияти билан танишиш, малакаларини ошириш мақсадида 3 ойлик 8 та модулни ўз ичига олган “PhD sari qadam” ўқув курси ташкил этилди.

Маълумот учун: ҳозирги вақтга қадар, ўқув курс доирасида 60 нафар ёш мутахассис аёл-қизлар (PhD) илмий даражасига эга бўлиши мақсадида малакаси оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний: “Қизлар ҳаммадан кўра билим олишга интилиши керак, чунки бу билим билан келажак авлодни тарбиялайди”, деб уқтиргани бежиз эмас. Аслида ҳам, ҳар қандай ривожланган жамиятда тараққиёт ва цивилизация даражаси аёлга бўлган муносабат, хотин-қизларга яратилган имкониятлар кўлами ҳамда миқёси билан белгиланади.